

“Ўзтрансгаз” АЖнинг молиявий фаолияти юзасидан

Жамият томонидан 2021 йил давомида амалга оширилган ишлар натижасида қуйидаги молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларга эришилган:

- жами даромадлар – 21 128,1 млрд. сўм;
- соф тушум – 18 390,5 млрд. сўм;
- асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари – 2 023,4 млрд.сўм;
- молиявий фаолиятнинг даромадлари – 714,2 млрд.сўм;
- харажатлар – 23 631,6 млрд. сўмни ташкил этади, шундан:
- сотилган маҳсулотлар таннари – 20 828,3 млрд. сўм;
- давр харажатлари – 778,3 млрд. сўм;
- молиявий фаолият бўйича харажатлар – 2 025,0 млрд. сўм.

Жамият бўйича молиявий натижа, яъни зарар миқдори 2 503,5 млрд. сўмни ташкил қилган, 2020 йилга (3 519,5 млрд. сўм) нисбатан зарар миқдори 1 016,0 млрд. сўмга камайган.

Молиявий натижалар

млн. сўм

№	Кўрсаткичлар номи	2020 йил	2021 йил	
			режа	амалда
1	Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	18 322 944,5	18 883 084,3	18 390 507,7
	Сотилган маҳсулотларнинг таннари	19 583 311,1	22 502 428,9	20 828 258,2
2	Маҳсулотларни сотишнинг ялли фойдаси	-1 260 366,5	-3 619 344,6	-2 437 750,5
	Давр харажатлари, жами	762 711,0	604 359,4	778 258,8
	Маъмурий харажатлар	79 792,5	77 190,8	88 624,0
	Бошқа операцион харажатлар	682 918,5	527 168,6	689 634,8
	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	694 632,1	183 894,7	2 023 382,7
3	Асосий фаолиятнинг фойдаси	-1 328 445,4	-4 039 809,3	-1 192 626,6
4	Молиявий фаолият даромадлари	1 992 422,1	1 650 042,6	714 215,1
5	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	4 183 440,3	3 998 761,6	2 025 041,7
6	Умумхўжалик фаолият фойдаси	-3 519 463,6	-6 388 528,3	-2 503 453,2
7	Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарар)	-3 519 463,6	-6 388 528,3	-2 503 453,2

Компрессор станцияларини эксплуатация қилиш юзасидан

№ п/п	Чора-тадбир	Ўлчов бирлиги	Режа	Факт	%
1	ГҲА режали таъмирлаш	м.р.	17	19	112
		ў.р.	44	44	100
		ж.р.	21	30	143
2	Техник кўриқдан ўтказиш, ревизия қилиш ва ГҲА ларини регламент бўйича текшириш ишларини бажариш	дона	83	84	101
3	Ёпиш кранларини (кранлар, задвижкалар, хавфсизлик ва қайтмас (обратный) клапанлар) таъмирлаш ва ревизия қилиш	дона	4676	4676	100
4	Ёрдамчи ускуналарни (АВО, насослар, компрессорлар ва бошқалар) режали таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	дона	334	334	100
5	Компрессор станцияларнинг технологик ускуналарини бўёқлаш	м	5470	5188	94,8
		дона	516	512	99,2
		ГҲА	13	13	100
		Цех	14	14	100
6	Фильтр сепаратор ва фильтр патронларни алмаштириш	дона	1926	1088	56,5
7	ГҲА ларининг комплекс ҳаво тозалаш қурилмаларидаги фильтрларни алмаштириш	дона	380	380	100
8	Технологик коммуникацияларни шурфлаш	дона	137	137	100
9	Технологик қурилмалардаги ёпувчи мосламаларнинг (запорные арматуры) мой сатҳини текшириш ва зарур бўлганда тоза мой қуйиш	дона	17	19	112
10	Технологик кранлар учун чиқинди газ иситиш тизимларини ревизия қилиш	цех	83	84	101
11	Ишлатилаётган ГҲА иссиқлик утилизаторларини тайёрлаш	ГҲА	4676	4676	100
12	ГҲА мой баклари ва АВО мойини иситиш тизимини ревизия қилиш	цех	334	334	100

2021 йилда қуйидаги ишлар бажарилди:

1. Компрессор станциялари технологик коммуникацияларида 137 та шурф ишлари бажарилди. Бу ишлар доирасида аниқланган ва бартараф этилган нуқсонлар

- КС-2А Зирабулоқ 720 мм диаметрдаги 32 метр узунликдаги қувур;
- Қорақалпоқ КС диаметр 720 ммли 700 метр қувурда;
- диаметри 150 мм бўлган 3 та ҳамда диаметри 700 мм бўлган 1 ёпиш мосламаси алмаштирилди.

- Қўнғирот КС “А” цехи технологик коммуникацияларида гидравлик синов ишлари ташкиллаштирилди, бунинг натижасида цехнинг ишчи босими 55 кгс/см² га етказилди;

- Ўзтрансгаз АЖ мутахассислари ўз кучи 5 дона НК-12СТ русумли двигателларини авариявий тиклаш ишлари ташкиллаштирилди, жумладан ушбу двигателлар Муборак МГҚБ ва Янгиер КС-3Б да ишга тикланди ва муваффақиятли эксплуатация қилинмоқда.

Бундан ташқари 3 та газ турбинали двигателларида (Газли КС, Зирабулоқ КС ва Янгиер КС-3Бда биттадан) таъмирлаш ва ишга тушириш ишлари давом этмоқда.

2. Ғаллаорол МГҚБда 2021-2022 йиллар куз-қиш мавсумига режадан ташқари 262 км МГ БҒР кранлар боғламида жойлашган газ ҳайдаш агрегатларидан чиқувчи умумий коллекторга уланган 304 км МГ ДБСТ кранлар боғламини ва 262 км МГ БҒР кранлар боғламини бирлаштирувчи газ қувурини ажратиш мақсадида диаметри 1000 мм шарсимон беркитиш қурилмаси ўрнатилди;

3-КС ички ҳудудидан ўтиб 304 км ДБСТ МГ кранлар боғламли ва 262 км БҒР МГ кранлар боғламли бирлаштирувчи диаметри 720 мм узунлиги 399 м бўлган нуқсонли газ қувурини диаметри 1020 мм газ қувурига алмаштириш ишлари “Трансгазинжиниринг” МЧЖ тамонидан 451 қисми алмаштириш ишлари бажарилиб, қувурнинг устки қисми қайта изоляция қилиш ва ҳаво билан босим остида синаш ишлари бажарилди;

2021 йилда 3-КС газ ҳайдаш агрегатларига кириш ва чиқиш газ қувурларида 12 жойида шурф ишлари бажарилиб, умумий узунлиги 40 м газ қувурида қайта изоляция ишлари бажарилди.

Газни ер остида сақлаш иншоотлари бўйича

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	ГЕОСИ	Режа	Амалда	%
1	Газ олиш	млн. м ³	Хўжаобод	652,0	607,5	93
			Газли	2410,3	1 864,0	77
			Жами	3 062,3	2 472,3	81
2	Газ жамлаш	млн. м ³	Хўжаобод	800,0	818,3	102
			Газли	2090,0	2 230,4	107
			Жами	2 890,0	3 048,7	105
3	Қудуқларни мукамал таъмирлаш	дона	Хўжаобод	11	12	100
			Газли	50	69	138
			Жами	61	80	131

Газни ер остида сақлаш иншоотларини 2021-2022 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлар бўйича

т/р	Кўрсаткичлар	Ўл. бир.	ГЕОСИ	Режа	Амалда	%
1	Кудукларни капитал таъмирлаш	дона	Хўжаобод	11	11	100
			Газли	40	53	132,5
			Жами	51	64	125,4
2	Кудукда газодинамик тадқиқот ишларини бажариш	дона	Хўжаобод	40	40	100
			Газли	20	20	100
			Жами	60	60	100
3	Очиш беркитиш мосламаларини алмаштириш	дона	Газли*	109	25	23
4	Сепараторларнинг ички қисмини тозалаш	дона	Хўжаобод	7	7	100
			Газли	20	20	100
			Жами	27	27	100
5	Очиш- беркитиш мосламаларини тафтишдан ўтказиш	дона	Хўжаобод	1187	1187	100
6	Қатлам сувларини ҳайдовчи НБ-32 ва НБ-50 насосларини тафтишдан ўтказиш ва зарур бўлганда таъмирлаш	дона	Хўжаобод	2	2	100
7	Нуқсонли шлейф қувурларини алмаштириш	метр	Газли	2 600	381,6	15
8	Теплообменникларни тафтишдан ўтказиш ва ички қисмини тозалаш	дона	Хўжаобод	4	4	100

“Газли газни ер остида сақлаш иншооти (кейинги ўринларда - ГЕОСИ) нинг ҳажмини 10 млрд куб метргача ошириш ҳамда Газли конининг газ ва нефть уюмларида қўшимча геологик кидирув ишларини бажариш ва уларни яқунловчи босқичда ишлатиш” инвестицион лойиҳаси доирасида жорий йил 26 июнда Газли ГЕОСИ моддий товарлари “Gazli Gas Storage” МЧЖ ҚҚ га ўтказилгани сабабли, ишлар охиригача бажарилмади

Назорат ўлчов асбоблари ва автоматика бўлими

2021-2022 йиллар куз-қиш мавсумига "Ўзтрансгаз" АЖ компрессор станцияларининг

Назорат ўлчов асбоблари ва автоматика йўналиши бўйича бажарилган ишлар

№	Ишлар тавсифи	ўл. бир.	Йиллик иш ҳажми	Ҳақиқатда бажарилган ишлар	%
1	Қоғозсиз ўзиёзувчи - қайд қилувчи қурилмаларни ўрнатиш ва созлаш	шт	14	14	100%
2	Кабеллар уланувчи қутиларни текшириш, кабел симларининг ёзувларни тиклаш, контактларни маҳкамлаш, қутиларнинг рақамларини янгилаш ва герметиклигини тиклаш	кк	1067	1067	100%
3	Кранларнинг бошқариш тугунларини, соленоид клапанларини текшириш. Симлардаги ёзувларни тиклаш, контактларни маҳкамлаш, контактлар бўлинмаси ва кабель кириш тешикларини герметиклигини ошириш, қутиларни бўйлаб ва ёзувларини тиклаш	ЭПУУ	646	646	100%
4	Алоҳида ҳолатларни кўрсатувчи (дискрет) улагичларни текшириш	кв	613	613	100%
5	Босим ўлчовчи ўзгартиргичларнинг ишлашини текшириш (босимлар фарқини ўлчовчи), гидравлик пресс орқали кўриқдан ўтказиш (тарировка), контактларни ва бошқа қимсларини чирк ва ифлослардан тозалаш, герметиклигини тиклаш	шт	630	630	100%
6	Босим релеларининг ишлашини текшириш (босимлар фарқини ўлчовчи реле), гидравлик пресс орқали кўриқдан ўтказиш (тарировка), контактларни ва бошқа қимсларини чирк ва ифлослардан тозалаш, герметиклигини тиклаш	шт	278	278	100%
7	Манометр ва электрконтактли манометрларни ишлашини текшириш, гидравлик пресс орқали кўриқдан ўтказиш, контактларни ва бошқа қисмларини чирк ва ифлослардан тозалаш	шт	2080	2080	100%
8	Ҳарорат ўлчаш ўзгартиргичларини (қаршилиқ термометрлари, термопара ва б.) ишлашини текшириш, контактларни ва бошқа қимсларини чирк ва ифлослардан тозалаш, герметиклигини тиклаш	шт	589	589	100%

9	Вибрация ўлчовчи қурилмаларни текшириш ва таъмирлаш, симларидаги ёзувларни тиклаш	шт	110	110	100%
10	Бир каналлик ва кўп каналлик ўлчовчи ва қайд қилувчи қурилмаларини текшириш ва таъмирлаш	шт	79	79	100%
11	АБТ жовонлари ва панелларини текшириш, симларнинг ёзувларини тиклаш, контактларни маҳкамлаш, жангдан, ифлосланишдан ва чиркдан тозалаш (РОТ)	копм.	242	242	100%
12	Ё ва ИТГБда НЎА ва А қурилмаларини ва ҳимояловчи клапанларни ишлашини текшириш	БПТПГ	26	26	100%
13	Қозонхоналар, сув олиш иншоатлари, канализация насос станциялари ва иссиқлик алмашинуви мосламаларини автоматик тизимини текшириш, ҳимоя ва сигнализациясини текшириш	сист.	19	19	100%
14	Помпаж ҳолатини олдини олиш клапанларининг (АПК) бошқарув модулини ишчи ҳолатини текшириш	копм.	31	31	100%
15	НЎАларининг импульс бошқарув ҳаво тизимининг ва ҳаво филтрларининг ишлашини текшириш ва таъмирлаш	сист.	22	22	100%

Харидлар ва кооперация алоқалари департаменти йўналишида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги ПҚ-5171-сон “Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўғрисидаги эълонлар ва давлат харидлари натижалари тўғрисидаги маълумотлар мунтазам равишда махсус ахборот порталига ҳамда оммавий ахборот воситаларига жойлаштирилмоқда.

Шунингдек, аукцион, конкурс, тендер, энг яхши таклифларни танлаш бўйича эълонлар ва бошқа барча буюртмалар давлат харидларини тўлиқ тавсифини келтирган ҳолда, жамиятнинг расмий веб-сайтига (utg.uz) ва уларнинг натижалари махсус ахборот порталига (xarid.uz) жойлаштирилиб келинмоқда. Харид жараёнларини аудитдан ўтказиш, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш тизимларининг самарадорлигини ошириш («форензик») бўйича “ERNST & YOUNG ADVISORY” томонидан Харидлар жараёнини аудит текширувидан ўтказилди. Жамиятда харидларни амалга ошириш, шартномалар тузиш жараёнлари, Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонун талабларига мувофиқ ҳамда Жамиятнинг эҳтиёжлари учун товар (иш, хизмат) ларнинг хариди тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилиб келинмоқда.

Жамиятнинг тегишли буйруқ-қарор асосида ижроия аппаратининг ташкилий тузилмасида маъмурий-бошқарув ходимларидан иборат “Трансформация офиси” ташкил қилинди.

Метрология йўналишида

- Меъёрий-техник ҳужжатлар “Ўзстандарт” агентлигида актуллаштирилди, айрим меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш юзасидан таклифлар тайёрланди;
- “ЎзММИ” ДҚда электрон газ ҳисоблаш ускуналарини эксперт қиёслаш кўригидан ўтказилишида катнашилди ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга консултатив ёрдамлар кўрсатилди;
- “Коратепа Метан”, “Узтекс” ва бошқа истеъмолчилар ўртасидаги суд жараёнларида иштирок этилди;
- Жамият томонидан ишлаб чиқиладиган ва бошқа ташкилотлардан келиб тушган метрологик, муҳандислик ҳамда технологик ҳужжатлар кўриб чиқилди;
- МГҚБ ва ГЕОСИ эҳтиёжлари учун моддий техник ресурслар ва хизмат кўрсатиш бўйича йиллик ҳамда навбатдан ташқари талабномалар тайёрланди, техник топшириқлар ишлаб чиқилди;
- Жамиятнинг қуйи бўлинмаларида ўлчов воситаларининг ҳолати, қўлланилиши ва текширилиши, шунингдек метрология меъёрлари ва қоидаларининг жорий этилиши ҳамда уларга риоя этилиши, метрологик таъминот даражаси бўйича идоравий метрологик назоратни амалга оширилди;
- Электрон газ ҳисоблаш ускуналарининг (ЭГХУ) ишдан чиқиш, навбатдан ташқари давлат қиёслаш кўригидан ўтказиш сабаблари таҳлил қилинди;
- ЭГХУлардан олинган архив маълумотлар ўрганилди ва ЭГХУ ишлашида қутилмаган вазиятларда O'zDst 8.064-2017 давлат стандарти бўйича ҳисоб китобларда, мутахассислар томонидан стандарт талаблари нотўғри қўлланилган ҳолатлар аниқланди ва ҳолат юзасидан эътироз ва тушунтиришлар тақдим этилди.
- Ўлчов мажмуалари ишлашида қутилмаган вазиятлар, уларни бартараф этиш бўйича жамият таркибий бўлинмалари мутахассислар томонидан бажариладиган чора тадбирларни, тизимли равишда юзага келадиган қутилмаган вазиятларни олдини олиш учун кўриладиган усуллар самарадорлигини таҳлил қилиш билан ойлик таҳлил қилиш;
- Жамият тузилмалари метрология хизмати учун янги кўп функцияли калибраторлар харид қилиш мақсадида техник топшириқлар тайёрланди ва экспертизадан ўтказилди;

- “140 км ДБСТ” газ ўлчаш станцияси ўлчов тармоқларини ГОСТ 8.586-2005 талабларига мувофиқлаштириш мақсадида реконструкция ишлари амалга оширилди;
- “526 км” газ ўлчаш узели ўтказувчанлик қобилиятини ошириш мақсадида амалга оширилган реконструкция ишларида катнашилди, станция қуввати соатига 300 минг. м³ га етказилди;
- Янги қурилатган тармоқлар, ҳамда реконструкция қилинаётган объектлар лойиҳа-техник ҳужжатларининг метрология ва НЎА ва А қисмлари кўриб чиқилди, янги “САЦ-2”, “Бухоро-Урал”, “Янгиер-Охонгарон”, “Газли-Когон” газни ўлчаш станцияларини лойиҳалаштириш ишларида амалий ёрдам кўрсатилди;
- Жамият тузулмалари метрологик таъминоти жараён (бизнес-жараён)ларини автоматлаштириш ва “Ўзтрансгаз” АЖ газ транспорт тизимида фойдаланиладиган ўлчов (ёрдамчи эталон) воситаларининг ягона маълумотлар базасини яратиш мақсадида техник топшириқ ишлаб чиқилди;
- “1С Метрология” и “Бест софт” дастурий таъминоти имкониятлари билан танишиш мақсадида музокаралар ўтказилди, натижада дастурий мажмуалар демо версиялари олинди ва метрология бўлими ва айрим таркибий тузулмалар томонидан фойдаланиб текшириб кўрилди;
- “Интергаз Центральная Азия” АЖ билан ҳамкорликда “Газли-Чимкент” МГҚ 314 км “Шардара” ГЎС ва “БГР-ТБА” МГҚ 372 км “Жетысай” ГЎС газ ўлчаш станцияси ва сифат кўрсаткичларини ўлчаш тизимини текшириш ўтказилди;
- МГҚБлари метрология бўлимлари ишлаб чиқариш фаолияти ўрганилди, ўрганиш натижаларига асосан “Фарғона ИЭМ” ўлчов тармоғи ўлчов қузури модернизация қилинди;
- “Ширин” ГТС ЭГХУ конфигурация маълумотлари текширилди, натижада кутилмаган вазият аниқланди, “Recalc” дастурий таъминоти ёрдамида газ ҳажми қайта ҳисоб китоб қилинди;
- Тасдиқланган график режага мувофиқ Муборак МГҚБ ўлчов мажмуалари метрологик таъминоти ҳолати ўрганилди;
- Объектларни куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар жамланди ва назорат олиб борилди.

Жамиятнинг персонални бошқариш йўналишида

Бугунги кун ҳолатига Жамият тизими бўйича **жами 8 344 нафар** ходим мавжуд, улардан **859 нафар** (10,3%) - аёллар, **7 485 нафар** (89,7%) - эркеклар.

Жамият ижроия аппаратида ишлаётган ходимлар сони - **257 нафар** (улардан **65 нафар** - аёллар, **192 нафар** - эркеклар.

Тизим бўйича бошқарув ходимлар (раҳбарлар) - 231 та (ижроия аппаратида - 77 та), мутахассис ва ишлаб чиқариш ходимлари - 8 113 та (ижроия аппаратида - 180 та).

Тизимда 30 ёшгача бўлган ходимлар сони **1 164 та** (жами ходимлар сонидан 13,9%), шундан, 87 нафари аёл (7,5%), 1 077 нафари эркек (92,5%); ижроия аппарати умумий ходимлар сонидан (*257 нафардан*) 46 нафари ёки 17,9%ни ташкил қилади, шундан, 9 нафари аёл (19,6%), 37 нафари эркек (80,4%);

30 ёшдан - 40 ёшгача - **2 930 та** (жами ходимлар сонидан 35,1%), шундан, 270 нафар аёллар (9,2%), 2 660 нафар эркеклар (90,8%); ижроия аппарати умумий ходимлар сонидан (*257 нафардан*) 114 нафари ёки 44,3%ни ташкил қилади, шундан, 21 нафар аёл (18,4%) 93 нафар эркек (81,6%);

40 ёшдан - 50 ёшгача **2 413 та** (жами ходимлар сонидан 28,9%), шундан, 319 нафари аёллар (13,2%) ва 2 094 нафари эркеклар (86,8%), ижроия аппарати умумий ходимлар сонидан (*257 нафардан*) 61 нафар ёки 23,7%, 21 нафари аёл ёки 34,5% ва 40 нафари эркек ёки 65,5%ни ташкил қилади;

50 ёшдан - 60 ёшгача **1 792 та** (жами ходимлар сонидан 21,5%), шундан, 181 нафари аёллар (10,1%) ва 1 611 нафари эркеклар (89,9%), ижроия аппарати умумий ходимлар сонидан (*257 нафардан*) 36 нафар ёки 14,0%, 14 нафари аёл ёки 38,8% ва 22 нафари эркек ёки 61,1%ни ташкил қилади;

2021 йилда жами 47 та янги иш ўринлари яратилди.

2021 йилда **1083 нафар** шахс ишга қабул қилинган, шундан 40 нафари олий ўқув юртлари битирувчилари, 43 нафари касб-хунар коллеж битирувчилари ҳисобланади.

Жамият ижроия аппаратида ва таркибий тузилмаларида гендер сиёсатида алоҳида эътибор қаратилмоқда ва тизимда фаолият олиб бораётган **859 нафар** аёлдан **102 нафари** раҳбар ва мутахассис ходим аёллар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4359-сон қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг сиртки ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга Жамият бошқарув раисининг тавсияномасига асосан 2021 йилда жами 80 нафар Жамият ижроия аппарати ва таркибий тузилмалари ходимлари олий таълим муассасаларига ўқишга топширишди. Жами ОТМ топширган ходимлардан 79 нафари ёки 98% талабалик номига муяссар бўлишди. Мазкур амалга оширилаётган ишлар ўз навбатида Жамият таркибий тузилмаларида ишлаётган етарли малакага эга ходимларни олий маълумотга эга бўлишларини таъминлаш ҳамда келажакда кадрлар захирасини шакллантиришда ва раҳбар лавозимларига номзодларни тайёрлаш бўйича ишларнинг давомийлиги ҳисобланади.

Жамият томонидан 2021 йилда жами **1 837 нафар** ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида **1 983 та ходимнинг** (107,9%) тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширилган бўлиб, улардан **629 нафар** (31,7 %) раҳбар ва мутахассис ходимлар ва **1 354 нафар** (68,2%) қуйи бўғин (ишчилар) ходимлари ҳисобланади.

Шунингдек, Жамият ижроия аппарати ва таркибий тузилмалари ходимларининг “Ўзтрансгаз” АЖ ва “Газпром нефть” ОАЖ ўртасида 2021 йил 30 ноябрда имзоланган меморандум доирасида 2022 йилда 120 нафарининг малакасини ошириш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, “Ўзтрансгаз” АЖ тизимидаги газ тақсимлаш шахобчалари операторларининг хавфсиз иш олиб боришлари бўйича **1000 дон**а қўлланма ишлаб чиқилди ва ўрнатилган тартибда тарқатилди.

Юридик соҳада

“Ўзтрансгаз” АЖ юридик бўлими томонидан 2021 йилда “Ўзтрансгаз” АЖ томонидан тузилган хўжалик шартномаларининг амалдаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан 540 та шартномалар юзасидан хулосалар берилди.

Жамиятимиз томонидан Етказиб берилган табиий газ учун истъомолчилар томонидан ҳамда бошқа шартномалар юзасидан ҳисоб китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли иқтисодий судларга 27 та корхоналарга нисбатан даъво аризалар киритилиб Жамиятимиз фойдасига 215 852 441 728,44 сўм асосий қарз, 30 202 207 267,00 сўм пеня ундириш юзасидан Судлар томонидан Ҳал қилув қарори чиқарилишига эришилди.

“Ўзтрансгаз” АЖ тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида 2021 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан

“Ўзтрансгаз” АЖ томонидан 2021 йилда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тизимли асосда ташкил этиш, қуйи тузилмаларда олиб борилаётган ишларни мунтазам ўрганиб бориш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, мурожаатларга сабаб бўлаётган омилларни таҳлил этиш ва уларни бартараф этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва 2019 йил 9 июлдаги “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4388-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш чоралари кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига аҳолидан кўплаб мурожаатлар тушишининг олдини олиш мақсадида Жамиятнинг барча магистрал газ қувурлари бошқармаларида фаолият кўрсатаётган “фуқаролар қабулхоналари”да аҳоли учун шарт-шароитлар ташкил этилган, жумладан кириш йўллари, асосий кириш жойи, пандуслар, фуқароларни қабул қилиш хоналарига эга бўлиши таъминланган.

2021 йилда мутахассислар томонидан “Ўзтрансгаз” АЖнинг таркибий тузилмаларига чиқиб мурожаатларда тез-тез кўтариладиган муаммоли масалалар бўйича таҳлиллар ўтказиш, йўл қўйилаётган камчиликлар ва қоидабузарликларнинг сабабларини бартараф этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олиш чораларини кўриш мақсадида ўрганишлар ўтказилди, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатилди.

Жойларда ўтказилган ўрганишларда мурожаатлар билан бевосита ишлайдиган масъул ходимларга Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун ва моҳиятини етказиш чоралари кўрилди.

Ҳисобот даврида ўрганиш натижалари бўйича тасдиқланган дастурлар асосида “Ўзтрансгаз” АЖ масъул ходимлари томонидан Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоида ва талабларнинг мазмун ва моҳиятини тўлиқ тушуниб олиш, амалиётда кенг ва самарали қўллаш мавзусида ўтказилган ўрганишлар сони 5 та ҳамда семинар машғулотлари сони 5 та.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириқлари асосида “Ўзтрансгаз” АЖ бошқарув раиси ҳамда унинг ўринбосари бошчилигида ишчи гуруҳлар тузилиб, республиканинг барча туман ва шаҳарларида ўтказиладиган сайёр қабуллари тасдиқланган графиклари асосида ташкил этилди.

Ҳисобот даврида ишчи гуруҳлар томонидан республиканинг барча туман ва шаҳарларида жами 86 та сайёр қабул ўтказилди. Жумладан, Қарақалпоғистон Республикасида 5 та, Андижон вилоятида 5 та, Бухоро вилоятида 9 та, Жиззах вилоятида 7 та, Қашқадарё вилоятида 8 та, Навоий вилоятида 1 та, Наманган вилояти 5 та, Самарқанд вилоятида 15 та, Сирдарё вилоятида 2 та, Сурхондарё вилоятида 4 та, Тошкент вилоятида 5 та, Фарғона вилоятида 8 та, Хоразм вилоятида 12 та.

Оммавий ва сайёр қабуллар давомида мурожаат қилаётган фуқаролар муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилиб, қабулларнинг натижадорлигига эришиш, мурожаатларни ҳолис ва тезкор кўриб чиқишга қаратилган аниқ чоралар кўрилди.

Ўтказилган ушбу сайёр қабулларда фуқаролардан жами 171 та оғзаки мурожаатлар тушган бўлиб, кўтарилган муаммоли масалалар жойида мутахассислар томонидан ҳал этилди.

2021 йилда “Ўзтрансгаз” АЖга жисмоний ва юридик шахслардан 754 таси бевосита ёзма, 275 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали, 5 таси электрон почта орқали ва 203 таси оғзаки мурожаатлар келиб тушган. Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши тўлиқ назоратга олиниб, 543 таси қаноатлантирилган, 663 таси бўйича муаллифларга тўлиқ тушунтиришлар берилган, 2 таси кўрмасдан қолдирилган ва 29 таси ўрганиш жараёнида.

Ҳисобот даврида “Ўзтрансгаз” АЖ бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари томонидан бевосита акциядорлик жамиятида шахсий қабулларда 21 нафар, масъул ходимларнинг қабули 8 нафар, ишонч телефони орқали 3 нафар ва сайёр қабулларда 171 нафар шахслар қабул қилинган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда камчилик ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган раҳбар ва масъул ходимларга нисбатан жавобгарлик чоралари кўрилиши таъминланмоқда.

“Ўзтрансгаз” АЖ томонидан 2021 йилда мурожаатлар кўриб чиқиш натижалари бўйича ОАВда 68 марта чиқиш амалга оширилган. Жумладан телевидение ва радиода 22 та, газеталарда 3 та, электрон ОАВда 5 та, акциядорлик жамияти веб-сайтида 38 та чиқишлар ташкил этилган.

Кўп мурожаат келиб тушаётган муаммоли масалалар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ОАВда 3 та, идора тизимида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати борасида 1 марта жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича тадбир ўтказилди. Идора расмий веб-сайтида мурожаатлар билан ишлаш натижалари бўйича жойлаштирилган ҳисоботлар сони 19 та.